

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМОНОВА САОДАТ УСУБХОНОВА

**АНИМАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ
ЎҚУВЧИЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТУШУНЧАЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
(“Атрофимиздаги олам” фанини ўқитиш мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика фанлари)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of
Philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Сулаймонова Саодат Усубхоновна

Анимацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш технологияси 3

Сулаймонова Саодат Усубхоновна

Технология развития экологических понятий у учащихся начальной школы на основе анимационного подхода 25

Sulaymonova Saodat Usubkhonovna

Technology of development of environmental concepts in primary school students on the basis of animated approach 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛАЙМОНОВА САОДАТ УСУБХОНОВНА

**АНИМАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ
ЎҚУВЧИЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТУШУНЧАЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
(“Атрофимиздаги олам” фанини ўқитиш мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика фанлари)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped1122 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Асқарова Ўғилой Мамашокировна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Камалов Баходир Асомович
география фанлари доктори, профессор

Артиқова Мухайё Ботиралievна
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Кўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “10” март соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81; e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 707 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316 уй. Тел.: (+99869) 227-29-81)

Диссертация автореферати 2022 йил “ 26 ” февраль куни тарқатилди.
(2022 йил “ 26 ” февральдаги 14 рақамли реестр баённомаси).



Т.Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Ш.К.Хўжамбердиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

К.М.Боймирзаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, г.ф.д.(DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал экологик муаммолар ва интеграция жараёнлари чуқурлашаётган ҳозирги шароитда ижтимоий ва индивидуал экологик тушунчаларни бошланғич синфдан бошлаб ривожлантиришга эҳтиёж кучаймоқда. Шу йўналишнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Стокгольм, Рио-де-Жанейро декларациялари БМТ Бош Ассамблеясининг “Табиатнинг жаҳон харитаси” ҳақидаги резолюцияси, шунингдек, ЮНЕСКО ва ЮНЕП каби халқаро ташкилотларнинг илмий-тадқиқот йўналишларида экологик таълимнинг ахлоқий-этик, аксиологик, тушунчага оид компонентларини таъминлаш асосий мақсад сифатида қайд этилган. Таълимнинг қуйи босқичдан бошлаб экологик таълим сифатига тобора ортиб бораётган талаблар асосида барқарор тараққиёт назарияси ва амалиётига таяниб, бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тушунчалар ва дунёқарашини шакллантиришга қаратилган ижтимоий ва ташкилий-педагогик шарт-шароитлар, илмий-методик таъминот ва ахборот-таълим муҳити, экологик таълим муаммолари ечимини топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда¹. Ушбу масалаларни ҳал этишда бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тушунча ва маданиятини такомиллаштириш, экологияга бўлган муносабатни тўғри тарбиялаш умумбашарият келажаги учун энг долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда. Экологик муносабатларнинг янги парадигмаларига ўтиш нафақат ўқувчиларнинг экологик тушунчаларини шакллантиришга оид инновацион ва креатив ёндашувларни, балки мазкур жараёни таъминлашга имкон берувчи методологик ва технологик асосларни ҳам такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Республикамизда экологик таълимни махсус йўналиш сифатида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Экологияни кўп тизимли соҳа сифатида баҳолаш, экологик билимларнинг ахлоқий моҳияти ва замонавий мазмунини тўғри англаган ҳолда бошланғич синфдан бошлаб таълим жараёнида инновацион тафаккур юритиш ва анимацион ёндашувларни таълим жараёнига татбиқ этиш экологик тушунчаларни ривожлантириш самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ...“атроф-табиий муҳит, аҳоли соғлиги ва генофондига путур етказувчи экологик муаммоларнинг олдини олиш” устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилди. Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг

¹ В.В. Шаранова, «Научно – методическая работа в школе как фактор повѣшения качества образования». <https://urok.1sept.ru/articles/>. – Москва. – 2012, – Стр. – 2

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-446-сон “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг ваколатлари тўғрисида”ги, 2019 йил 24 январда илк бора тузилган Ўзбекистон Экологик партияси фаолияти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги ВМК-434-сон “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда ўқувчиларнинг экологик онгини шакллантириш, экологик таълим-тарбия ва унинг муаммоларини ўрганиш, ҳамда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг назарий асосларини республикаимиз олимларидан А.Исмоилов, М.Алиқулова, П.Ғуломов, Н.Мамашокиров, Ш.Отабоев, А.Тўхтаев, Г.Комилова, Н.Турсунов, М.Нуриддинова кабилар тадқиқ этганлар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) олимлари А.Григорянц, Ю.Соломенцева, Ю.Скочилов, Л.Лаврененко, Н.Мамедов, Н.Днепровская, К.Шилинларнинг тадқиқот ишларида бошланғич синф ўқувчиларида экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришнинг самарали йўллари ёритиб берилган.

Хорижий давлатлар педагог ва психологлари D.Ziegler, A.Lenhart, K.Merga, A.Perrin, F.Roberts кабиларнинг тадқиқотларида ўқувчилар онгида табиатнинг аҳамияти, экологик маданиятни ошириш жараёнининг метод ва воситаларини қўллаш масалалари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Бироқ, бошланғич синф ўқувчилари учун анимацион ёндашув асосида экологик тушунчаларнинг педагогик жиҳатларини такомиллаштириш механизмининг тадқиқ этилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университетининг Бошланғич таълимда ижтимоий фанлар ўқитиш методикаси кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўқитувчилар тайёрлаш: таълим-тарбия муаммолари ва истиқболлари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади анимацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришнинг зарурати ва педагогик хусусиятларини илмий жиҳатдан асослаш;

экологик таълимни мазмунан модернизациялаш орқали экологик тушунчаларни анимацион ёндашув асосида ривожлантиришнинг дидактик тузилмаси, кластерли модели ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш технологиясини такомиллаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришда анимациялар қўллаш имкониятларини ёритиб бериш;

анимацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришни таъминлашга доир илмий, амалий ва методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида анимацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тушунчаларини ривожлантириш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш технологиялари, шакл, усул ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда педагогик кузатув, суҳбат, моделлаштириш, ташхис, педагогик тажриба-синов, маълумотларни мужассамлаштириш, таққослаш, эксперт баҳолаш, умумлаштириш ва статистик ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

экологик таълимни ривожлантиришга қаратилган электрон ва анимацион таълим ресурслари базасини ишлаб чиқиш орқали бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришнинг ўқув мазмундаги экологик интегратив топшириқлар, экологик муҳит, табиат бағрига сайёҳат каби педагогик шарт-шароитлари ва имкониятлари аниқлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришга қаратилган “Экологик алифбе” ҳарфлари бўйича мақол, матал, ҳикоя, шеърлар айтиш, тавсифлаш, масалалар ечиш каби педагогик топшириқларни бажариш методлари интерфаол таълим технологияси (STEAM) ва дидактик воситалар (ностандарт тестлар, муаммоли видео топшириқлар, анимациялар) асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш жараёнининг методик таъминоти аналитик фикрлашга йўналтирилган мақсадли, мазмунли, диагностик тамойилларга таянган ҳолда интеграцион ва инновацион фаолиятни ташкил этиш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларда экологик тушунчани анимацион ёндашув асосида

ривожлантиришнинг модернизациялашган ахборот-дастурий таъминот воситаларини самарали тadbиқ этиш имкониятларига эга дидактик тузилма ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришга қаратилган “Экологик алифбе” номли анимацион электрон методик қўлланма ишлаб чиқилган ва амалиётга тadbиқ этилган;

анимацион ёндашув асосида ўқувчиларнинг экологик тушунчаларини ривожлантириш ва илк экологик фаолиятга тайёрлашга қаратилган тематик экологик машқлар ва муаммоли видеотопшириқлар тизими шакллантирилган ҳамда уларни ечиш алгоритми тавсия этилган;

экологик таълимни мазмунан модернизациялаш орқали ўқувчиларда экологик тушунчаларни анимацион ёндашув асосида ривожлантиришнинг дидактик тузилмаси, кластерли модели ишлаб чиқилган ва амалиётга тadbиқ этиш технологияси мантиқийлик, инновационлик тамойилларига кўра такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Ишда қўлланган ёндашув ва усуллар доирасида фойдаланилган назарий маълумотларни расмий манбалардан олинганлиги, эмпирик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тушунчаларини анимацион дастур, муаллифлик ёндашуви асосида билим ва кўникмаларини шакллантирилганлиги, уларнинг мазмун моҳияти очиб берилганлиги, назарий билимларни такомиллаштирилганлиги, ўқувчиларда табиатга бўлган меҳр-муҳаббатни оширишга хизмат қилувчи омиллар таҳлил этилиб педагогик хусусиятлари аниқланганлиги ва методик модели ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти олиб борилган тадқиқот натижасида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришга оид ёндашувлар методик тавсиялар билан бойитилганлиги, билимларни такомиллаштиришга хизмат қиладиган дидактик методлар ва электрон дастурий таъминотнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Анимацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

экологик таълимни ривожлантиришга қаратилган электрон ва анимацион таълим ресурслари базасини ишлаб чиқиш орқали бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқлаштирилган, ўқувчиларда экологик тушунчани анимацион ёндашув асосида ривожлантиришнинг кластерли

моделли ишлаб чиқилган ва инновацион тамойилларига кўра такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларидан бошланғич синфлардаги “Атрофимиздаги олам” фанининг миллий ўқув дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 20 ноябрдаги 01/11-03/03-1372-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш мазмунини такомиллаштиришга эришилган;

бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришга қаратилган педагогик топшириқларни бажариш методлари, интерфаол таълим технологияси (STEAM) ва дидактик воситалар асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги 434-сон қарорининг 2-илова 32-банди ижросини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 20 ноябрдаги 01/11-03/03-1372-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни такомиллаштиришга хизмат қилган.

бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш жараёнининг методик таъминоти аналитик фикрлашга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш асосида методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга доир амалий таклифларидан А-5-37 рақамли “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиа интеллектуал ўйинлар” мавзусидаги (2015-2017 йиллар) амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 октябрь 89-03-4301-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш жараёнида мантиқий ва танқидий фикрлаш кўникмалари шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур олиб борилган илмий тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 та республика, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. 1 та ЭҲМ учун дастурий маҳсулотга ЎЗРИМАнинг муаллифлик гувоҳномаси олинган. ЎЗР Инновацион ривожланиш вазирлигининг “Стартап” лойиҳасида қатнашиб ушбу диссертация иши бўйича грант маблағига эга бўлган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, асосланганлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация иши муассасанинг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, қўлланилган методлар, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг ишончлилиги баён этилган.


Диссертациянинг биринчи боби **“Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришнинг назарий методологик асослари”** деб номланиб, ушбу бобда бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш педагогик муаммо сифатида, бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш мазмуни ва асосий босқичлари ва хорижий манбаларнинг таҳлили хусусида маълумотлар келтирилган бўлиб, бошланғич синф ўқувчиларида экологик билим ва кўникмаларни шакллантиришнинг педагогик тамойиллари ўрганилган. Шунингдек, мазкур бобда хорижий манбаларнинг педагогик хусусиятлари таҳлили кенг талқин этилган.

Экология – ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Экологик муаммоларни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан шу муаммо ечимига боғлиқдир. Барқарор ривожланиш концепциясида ҳам экологик муаммоларни ҳал этишда ёшларнинг бунёдкорлик қобилиятларидан фойдаланиш алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шу нуқтаи назардан таъкидлаш лозимки, экологик тушунчаларни ривожлантириш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, она табиатга бўлган муҳаббатни оширишга йўналтирилган мавзулар мазмуни бўйича давра суҳбатлари, кўрик-танловлар, семинарлар, кўргазмалар ва мусобақалар уюштириб, ўқувчи ёшлар орасида табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида кенг қамровли фаолият олиб боришида ижобий натижа беради.

Экологик тушунча — табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятлари, алоқалари ва муносабатларини акс эттирувчи тафаккур шакли. Экологик тушунча билиш маҳсулидир, бу билиш оддийдан мураккабга кўтарила бориб, мавжуд тушунчаларни мукаммаллаштиради, аниқлаштиради ва янгиларини шакллантиради. Тушунчанинг асосий мантиқий вазифаси бирон нарсани бошқа нарсадан фикран ажратишдан иборат.

Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тушунчаларини ривожлантириш ҳамда экологик тарбияга оид тушунчалар, ўрганилаётган материаллар бевосита табиат билан танишиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Табиат хилма-хил кўринишлари билан инсонни қуршаб турган моддий оламдан тузилган. Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тушунчаларини ривожлантиришга оид манбалар билан таништиришдан асосий мақсад табиатни билиш ва уни асрашга ўргатиш, болалардаги экологик тушунчаларни ривожлантиришга оид назарий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Назарий таҳлил натижалари асосида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш қуйидаги бешта босқичда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб топилди(1-расмга қаранг).



1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш босқичлари.

Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш катта тарбиявий имкониятга эга. Ўқувчилар томонидан “Атрофимиздаги олам” ўқув фани бўйича ўзлаштирилган билимлар дарсда ва дарсдан ташқари жараёнларда экологик характерга эга маънавий-маърифий ишларни ташкил этилиши асосида мустақамланади. Мазкур шароитда экологик фаолиятни кенг кўламда ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги анимацион ёндашув асосида экологик тушунчаларни ривожлантириш орқали ўқувчиларда компетентлик сифатларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Тадқиқот даврида дунё мамлакатларидан Америка Қўшма Штатлари, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва Сингапур тажрибаларидан таълимнинг босқичларида тажриба сифатида

фойдаланишда ривожланган давлатлардаги бошланғич синфларда ўқитиладиган фанларни қиёсий таҳлили ўрганилди. Хориж тажрибасини шуни кўрсатадики, табиат ва жамият ҳақидаги билимларни ривожлантириш учун асос бўлувчи интеграцияланган фанлар кўпгина мамлакатларнинг ўқув дастурларига киритилган.

Демак дунё мамлакатлари таркибида таълим тараққиёт босқичлари шиддат билан ривожланган ва такомиллаштирилган Америка Қўшма Штатлари, Россия федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва Сингапур тажрибаларидан бошланғич таълимнинг босқичларида тажриба сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Шунга мувофиқ, юзага келаётган экологик муаммоларнинг заминидан инсоният фаолияти ва хатти-ҳаракатларнинг таъсири борлигини ўқувчиларнинг кичик ёшидан бошлаб, умумлаштирган ҳолда фан сифатида ўқитиш тизимини йўлга қўйиш лозимдир.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Анимацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришнинг методик таъминоти”** деб номланади, унда муаллифнинг эмпирик тадқиқот натижалари акс этган. Диссертациянинг ушбу бобида анимацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш модели, анимацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришда экологик алифбени ўқувчилар онгида шакллантириш методикаси таҳлиliga оид тадқиқот натижалари келтирилган.

Ахборот коммуникация технологияси билим ва имкониятларни кенгайтириш воситаси ҳисобланиб, тараққиётнинг муҳим омили саналади. Тараққиётга эришиш учун рақамли иқтисодиёт соҳасидаги билимлар ва замонавий ахборот воситаларини эгаллашимиз зарур. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормокда. Юртимиз **“Халқаро ахборот коммуникацияси технологияларини ривожлантириш индекси”** бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, хали бу масалада қилинмаган ишлар жуда кўп. Юқоридаги Президент Мурожаатномасида вазифаларни ўз вақтида бажариш мақсадида ахборот воситалари ёрдамида медиа билимларини ўқув жараёнида қўллаган ҳолда умумий ўрта таълим бошланғич синф ўқувчилари учун билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш зарурияти туғилади. Ахборот ва коммуникацион технологиялар инсонларга атроф муҳит тўғрисида, ободонлаштириш ҳамда муҳофаза этиш имкониятлари ҳақида билиб олишга ёрдам беради. Ҳозирда анимацияни яратиш учун турли хил технологиялар мавжуд: анимация ҳар бири алоҳида-алоҳида чизилган чизмаларнинг ўзига хос ўзгаришини англатади. Анимация жонлантириш, танланган мавзулардаги тасвирлар юқори тезликда кетма-кет


ҳаракатланиши демакдир. Кўзнинг тасвири илғаш иқбатида оптик иллюзия сезилади ва тасвирлар яхлит ҳаракат деб қабул қилинади.

Анимация бу - жонлантирувчи маъносидан келиб чиқиб ҳаракатлантирувчи демакдир. Анимация сўзи кенг маънода “ҳаёт бер” деган маънони ҳам англатади; Анимация, узлуксиз ҳаракатланадиган видеодан фарқли ўлароқ, кўплаб мустақил чизмалардан фойдаланади.

Анимация, ўзига хос тарихга эга. 1828 йилда анимацияни биринчилардан бўлиб Пол Рогет асосини тақдим этган. Анимацияларни яратишнинг биринчи амалий усули Том Эдиссон томонидан лентасимон камера ва прожектор мосламаларини яратган эди.

Ҳозирги кунда анимациянинг мазмунан бир-бирдан фарқ қиладиган қуйидаги турлари мавжуд: Кўғирчоқ, Рангли, 3D, Ҳаракат сурати, Электрон турларидан таълим жараёнида кенг фойдаланилмоқда. Анимацион ёндашув асосида экологик муаммоларни имитацион моделлаштириш натижасида бошланғич синф ўқувчиларида экологик онг ва янги билимларни шакллантириш, экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини англаб етишга, уларни бартараф этишнинг ностандарт вариантларини излаб топишга ундайди ва табиатга бўлган муносабатларини таҳлил этишга йўналтиради.


Тадқиқот доирасида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришнинг асосий компоненти сифатида мақсадга йўналтирилган, мазмунли, фаолиятга доир ва натижавий таркибий асослар танлаб олинди ва улар асосида ўқувчиларда экологик тушунчаларни ривожлантиришнинг дидактик-педагогик модели яратилди. Мазкур модел бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришда энг аввало стратегик режалар асосида бажарилиши зарур бўлган вазибаларни ўқитувчилар томонидан аниқлаштиришни кўзда тутиб, ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, экологик таълим ва тарбия жараёнлари самарадорлигини таъминлашда методларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этишини ифодалайди. Лойиҳаланаётган моделнинг кутиладиган натижаси сифатида экологик билим, кўникмалари ва интеллектуал қобилиятларини такомиллаштириш ҳамда шахсни мотивацион сифатларини шакллантириш белгиланди. Моделни амалга оширишнинг асосий босқичлари сифатида дидактик, методик-моделлаштириш ва диагностик белгиланди. Қуйида расмда моделнинг ҳар бир компонентининг мазмуни ёритиб берилган (2-расмга қаранг).



2- расм. Анимацион ёндашув асосида бошлангич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш модели

Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш учун методик иш шаклларида фойдаланиш юқори натижа беради. Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тушунчаларни ривожлантириш методикасини йўлга қўйишда “Экологик алифбе”нинг ҳар бир ҳарфидан самарали фойдаланиш зарурияти мавжуд. Шу мақсадда кирилл графикасидаги 33 та, латин ёзувидаги 29 та ҳарфларидаги сўз бирикмалари ўзбек, рус ва инглиз тилларида ифодаланганлиги билан характерланади. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш юзасидан ҳар бир таъриф берилган ҳарфларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда оддийдан мураккаб ҳолатигача эртак, мултфильм ҳамда расмли маълумотлар экологик жиҳатдан тавсифланган. Жумладан, педагогик ходимлар 1-2 синфлар учун мўлжалланган “Атрофимиздаги олам” фанини ўқитиш жараёнида мазкур алифбенинг дастлабки “А” ҳарфида табиатда атмосфера ҳавосини аҳамияти ва унинг хусусиятлари ҳақида уни асраш барча учун бурч экани уч тилда ўз аксини топган. Навбатдаги “Г” ҳарфида хусусан дунё сув объектлари ҳақида сўз юритилиб, уларнинг табиатдаги аҳамияти ва хусусиятлари расм кўринишида тасвирланган. “Гидросферага океанлар, денгизлар, дарёлар, ер ости сувлари, музликлар ва атмосфера ҳавосидаги буғлар киради” деб мазкур алифбе ҳарфига таъриф берилган. Дунё микёсида ўрмонзорларга бўлган эътиборни ўқувчилар онгида шакллантириш, салбий оқибатларни олдини олиш мақсадида “Д” ҳарфини ўргатишда дарахтларни кесиш мумкин эмас, деган сўз бирикмасидан фойдаланилди. Мазкур сўз бирикмасида инсониятнинг дарахт буталари, шох ва баргларига муносабатини ўзгартириш, чўлланишга қарши кураш йўлида ва ихотазорларни муҳофаза қилиш мақсадида ўзбек ва рус эртак ва мултфильм қаҳрамонларидан фойдаланиб, кесиш мумкин эмаслиги мазкур расмда ифодаланган.

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Орол денгизининг ҳозирги кундаги экологик вазияти ҳаммамизга маълум. Денгизнинг қурғоқчил ҳудудлар майдони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Экологик вазияти ёмонлашиб бораётган оролнинг экологик муаммоларини тизимли равишда бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан ташаббускор ғоялари амалида оролнинг қуриган қисмининг қарийиб беш минг ер майдонига саксовул уруғлари ва кўчатлари экилди. Шу боис, алифбенинг “О” ҳарфида келтирилган маълумотлар умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг экологик онгини ривожлантиришга хизмат қилади. “V” ҳарфи бўйича “Вулқонлардан отилаётган газ ва захарли чанглар табиатга зарар етказмоқда” деб номланган мазкур ҳарфда табиий равишда юзага келаётган экологик муаммоларни ўқувчилар онгига етказиш ва уларнинг муносабатини яхшилаш бош мақсад қилиб қўйилган. Ҳаммамизга маълумки, атмосфера ҳавосини ифлосланиши бу жараёнда кўпроқ кузатилиб, нафақат инсонлар қолаверса, барча тирик организмлар (ўсимлик, ҳайвонот дунёсининг тур ва сони) ҳам зарар кўриш ҳолатлари турли йилдаги маълумотлар кўрсаткичида кузатилган. Шу боис, бундай табиий ҳолатда содир бўладиган жараёнларга доимо тайёр туришимиз зарурлиги алифбе ҳарфида расмли маълумотлар кўринишида ўз аксини топган. (3-расмга қаранг).



3-расм."Экологик алифбе" номли кўргазмали воситалар

Тажириба-синов жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилишга оид билимларини мустақамлаш, моҳиятини таҳлил қилишда мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва интерфаол методларга асосланувчи амалий машғулотлар ташкил этилди. Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тушунчаларни ривожлантириш мақсадида ўқувчилар билан STEAM таълим технологияси ёрдамида экологик тушунчалар моҳияти таҳлил қилинди.

Замонавий шароитда инновацион характердаги таълим технологиялари орасида экологик таълим ва унинг моҳиятини ёритувчи технологиялар ҳам ўзига хос ўрин тутди. STEAM - таълим технологияси ўраб турган атроф муҳит ўзгаришларига объект ёки жараёни бир онда мослаштиришга имконият берадиган хусусият сифатида таълимга жорий этилмоқда.

STEAM таълим технологияси S – (science) табиий фанлар, T –(technology) технология, E – (engineering) муҳандислик, A – (art) санъат ва M – (math) математика фанларининг бош харфларидан олинган бўлиб амалий ёндашувни қўллаш, шунингдек, барча бешта соҳани ягона таълим тизимида интеграциялашувига асосланган. Мисол учун STEAM таълим технологияси асосида тузилган таърифловчи жадвал ўқувчиларни бирор мавзуга оид муаммо ва

масалаларни турли ҳил жиҳатларини таққослашга ўргатади, уларда мантиқий фикрлаш, маълумотларни тўғри қабул қилиб уни умумлаштиришга ўргатади.

Тажриба–синов ишлари даврида респондент ўқувчилардан иборат кичик гуруҳларга қуйидаги иш қоғози тақдим этилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

“Мен ёқтирган фасл” мавзусидаги таърифловчи жадвал

| Мухим жиҳатлар | Асосий белгилар | | |
|---------------------------|-----------------|---------|---------|
| | 1-белги | 2-белги | 3-белги |
| 1. Об-ҳаводаги ўзгаришлар | | | |
| 2. Фаслдаги ўзгаришлар | | | |
| 3. Инсонлар меҳнати | | | |

Ўқувчилар тарқатилган иш қоғозидаги махсус тузилган жадвалларни тўлдиришлари керак бўлади. Ушбу жадвалга ўзлари ёқтирган йил фаслидан танлаб унга ҳос бўлган хусусиятларни ёритиб берадилар (2-жадвалга қаранг)

2-жадвал

“Мен ёқтирган фасл” мавзусидаги таърифловчи жадвал

| Мухим жиҳатлар | Асосий белгилар | | |
|----------------------------------|---------------------------------|----------------------------------|------------------------------------|
| | 1-белги | 2-белги | 3-белги |
| 1. Об-ҳаводаги ўзгаришлар(Баҳор) | Ёмғирлар ёғади | Қунлар аста-секин исий бошлайди | Тез тез момақалдирак чақади |
| 2. Фаслдаги ўзгаришлар | Тун қисқариб, кун узая бошлайди | Дарахтлар куртак олишни бошлайди | Қушлар узоқ ўлкалардан учиб келади |
| 3. Инсонлар меҳнати | Ерга ўғит солиб юмшатилади | Экинлар экиш учун тайёргарлик | Полиз экинларини экиш бошланади |

Бошланғич синф ўқувчилари экологик тушунчаларни қай даражада эгаллаганлигини билиш мақсадида STEAM таълим технологиясини қўллаш асосида қуйидаги мезонлар ишлаб чиқилди. (4- расмга қаранг)



4-расм. Баҳолаш мезонлари

Юқоридаги мезонлар асосида бошланғич синф ўқувчилари экологик тушунчаларни қай даражада эгаллаганлигини текшириб кўришимиз мумкин.

Демак бошланғич синф ўқувчиларига ўтиладиган “Атрофимиздаги олам” фанида педагогик технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларнинг экологик тушунчаларини ривожлантиришда ўз самарасини бериши исботланди.

Ишнинг учинчи боби “**Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш самарадорлиги**” деб номланиб, тажриба-синов ишининг ташкилий асослари ва анимацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришга йўналтирилган таълимий тажриба натижаларининг самарадорлик кўрсаткичлари тадқиқот натижаларида батафсил ёритилган. Бошланғич таълимнинг 1-синфдан 4-синфгача бўлган ўқувчилар учун узлуксиз экологик таълим бериш тизими ишлаб чиқилмаганлиги мавзунинг долзарблигини мустаҳкамлайди.

Экологик тушунчаларни ривожлантиришда бошланғич синфлардан бошлаш аҳамиятлилиги билан ажралиб туради. Бошланғич синф ўқитувчисининг педагогик маҳорати ҳар доим талаб даражасида ҳамда ўқувчининг қизиқиши, диққатини жамлаши ва эслаб қолиши юқори бўлганида, таълим-тарбия жараёнида исталган усулдан фойдаланиб, самарадорликка эришиш мумкин.

Илмий тадқиқот доирасида бажарилган диссертация ишининг самарали яқунланишида тажриба-синов ишларининг илмий-педагогик ва ташкилий-методик жиҳатдан тўғри ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли умумий ўрта таълим мактабларининг кичик ёшдаги ўқувчиларини атроф-муҳитни кузатишга ўргатишда тажриба-синов ишлари самарали ва методик жиҳатдан тўғри ташкил этилишига эътибор қаратилди. Тажриба-синов ишларининг махсус дастур асосида ташкил этилиши эса уларнинг муваффақиятли ва самарали яқунланишини кафолатлайди. Мазкур фикрга таянган ҳолда тадқиқотни олиб бориш даврида дастлаб “Бошланғич синф ўқувчиларини атроф-муҳитни кузатишга ўргатиш” махсус дастури ишлаб чиқиш назарда тутилган (4-расмга қarang).



5-расм. Бошланғич синф ўқувчиларини атроф-муҳитни кузатишга ўргатиш махсус дастури

Тажриба-синов ишларининг асосий мақсади бошланғич синф ўқувчиларининг атроф-муҳитни кузатишга ўргатишга имкон берувчи педагогик имкониятлар орқали зарур билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантиришдан иборат. Кузатишлар шуни кўрсатдики, бошланғич синф ўқувчиларида экологик билим ва кўникма ҳосил қилиш учун дарс давомида вақтдан унумли фойдаланиб, уларнинг зерикаши, чалғишига йўл қўймасдан, ҳар хил методларни қўллаган ҳолда ностандарт вазиятларни вужудга келтириш мақсадга мувофиқ. Шу билан бир қаторда танлаш имконияти, унда нималарга эътибор бериш лозимлиги, ўзгаларга ён босиш каби ҳақиқий шарқона одатлар, маънавиятимиз асослари билан ҳам таништириб, борилади.

Тажриба-синов натижалари аниқ бўлиш мақсадида тажриба гуруҳлардаги ўқувчилар сони 257 та, назоратда эса 255 та қилиб олиниб, тажриба ўтказиладиган синфларда ўқув материалларининг дидактик ишланмалари тайёрланди. Ўқувчиларга тақдим қилинган топшириқларни умумлаштириш натижасида ижтимоий йўналишдаги Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги 14, 50-сонли умумий ўрта таълим мактаблари, Фарғона вилоятининг Қўқон ХТБ га қарашли 6-умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларида тажриба синов ишлари олиб борилди қуйидаги (3,4,5,6,7,8-жадвалларга қаранг).

3-жадвал

Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик билимдонлик даражасини аниқлаш натижалари Назорат гуруҳларида

| Назорат гуруҳлари | Ўқувчилар сони | Топшириқ сони | Жавоблар | | | |
|-------------------|----------------|---------------|----------|--------|--------|--------|
| | | | 5 баҳо | 4 баҳо | 3 баҳо | 2 баҳо |
| 1-синф | 60 | 10 | 8 | 16 | 28 | 8 |
| 2-синф | 64 | 10 | 10 | 21 | 27 | 6 |
| 3-синф | 68 | 10 | 11 | 18 | 30 | 9 |
| 4-синф | 63 | 10 | 4 | 12 | 33 | 14 |

4-жадвал

Тажриба гуруҳларида

| Тажриба гуруҳлари | Ўқувчилар сони | Топшириқ сони | Жавоблар | | | |
|-------------------|----------------|---------------|----------|--------|--------|--------|
| | | | 5 баҳо | 4 баҳо | 3 баҳо | 2 баҳо |
| 1-синф | 60 | 10 | 10 | 17 | 24 | 10 |
| 2-синф | 65 | 10 | 11 | 19 | 28 | 7 |
| 3-синф | 67 | 10 | 9 | 19 | 33 | 6 |
| 4-синф | 64 | 10 | 5 | 11 | 35 | 12 |

5-жадвал

Бошланғич синф ўқувчилари экологик билим даражасининг тажриба-синов ишлари бошидаги кўрсаткичи

| Гуруҳлар | Ўқувчилар сони | Жавоблар | | | |
|----------|----------------|----------|--------|--------|--------|
| | | 5 баҳо | 4 баҳо | 3 баҳо | 2 баҳо |
| Назорат | 255 | 33 | 67 | 118 | 37 |
| Тажриба | 257 | 36 | 66 | 120 | 35 |

6-жадвал**Бошланғич синф ўқувчиларининг билимдонлик даражасини тажриба-синов ишларининг якуний натижалари****Назорат гуруҳларида**

| Назорат гуруҳлари | Ўқувчилар сони | Топширик сони | Жавоблар | | | |
|-------------------|----------------|---------------|----------|--------|--------|--------|
| | | | 5 баҳо | 4 баҳо | 3 баҳо | 2 баҳо |
| 1-синф | 60 | 10 | 10 | 14 | 32 | 4 |
| 2-синф | 64 | 10 | 15 | 26 | 21 | 2 |
| 3-синф | 68 | 10 | 13 | 22 | 27 | 6 |
| 4-синф | 63 | 10 | 6 | 14 | 33 | 10 |

7-жадвал**Тажриба гуруҳларида**

| Тажриба гуруҳлари | Ўқувчилар сони | Топширик сони | Жавоблар | | | |
|-------------------|----------------|---------------|----------|--------|--------|--------|
| | | | 5 баҳо | 4 баҳо | 3 баҳо | 2 баҳо |
| 1-синф | 61 | 10 | 36 | 12 | 10 | 3 |
| 2-синф | 65 | 10 | 32 | 26 | 6 | 1 |
| 3-синф | 67 | 10 | 35 | 23 | 8 | 1 |
| 4-синф | 64 | 10 | 34 | 24 | 5 | 1 |

8-жадвал**Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик билим даражасининг якуний натижалари**

| Гуруҳлар | Ўқувчилар сони | Жавоблар | | | |
|----------|----------------|----------|--------|--------|--------|
| | | 5 баҳо | 4 баҳо | 3 баҳо | 2 баҳо |
| Назорат | 255 | 28 | 51 | 130 | 46 |
| Тажриба | 257 | 105 | 93 | 54 | 5 |


8-жадвал натижалари тажриба гуруҳларида бошланғич синф ўқувчилари кесимида табиат, атроф-муҳит, экологик тушунчаларни ривожлантиришдаги билимдонлик даражалари бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари миллий кадриятларни ўзлаштирганлигини кўрсатади.

Ўрта даражада тажриба ва назорат гуруҳларида деярли бир хил кўрсаткич қайд этилди, юқори даража бўйича тажриба гуруҳларида ўқувчиларнинг кўрсаткичлари назорат гуруҳликдан анча фарқ қилиши кузатилди.

Тажриба-синов натижалари таҳлиliga кўра, тадқиқот жараёнига жалб этилган назорат гуруҳи ўқувчиларига нисбатан билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги аниқланди. Бу ҳолатни объектив баҳолаш учун статистик таҳлил амалга оширилади, аниқлаштирган хулосагина тажриба-синов ишларининг илмий, педагогик, технологик ва методик жиҳатдан тўғри самарали олиб борилганини тасдиқлайди.

Таъкидланган тажриба-синов даврида ҳам статистик таҳлилни амалга ошириш учун Стьюdent ва Пирсон методлари танланди. Мазкур метод икки гуруҳда қайд этилган кўрсаткичларни аниқлаш ва объектив баҳолаш имконига эга. Математик статистик методнинг моҳиятига кўра дастлабки босқичдаги каби

тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган 1-2 танланмалар сифатида белгиланиб юқори, ўрта ва паст даражалар бўйича вариацион қаторларни ҳосил қилиш лозим бўлди. Бу диаграммада куйидаги кўринишни олди (5-расмга қаранг).



6-расм. Статистик кўрсаткичларнинг диаграммалари

Юқорида келтирилган диаграммаларда назорат ва тажриба синов гуруҳларида бошланғич синф ўқувчиларининг экологик билим даражалари ўзаро таққосланган. Шунга кўра тажриба гуруҳларида ўқувчиларнинг олган баҳолар салмоғи назорат гуруҳларидаги ўқувчилар олган баҳолар салмоғидан қатъи назар яхшироқ эканлиги акс этган.

Диаграммаларнинг ҳар бири статистик жадвал нормал тақсимотга эга бўлган бош тўпламлардан олинганлиги ҳақидаги фараз-гипотезани олдинга суриш мумкин эканлигини кўрсатади. Олинган натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди. Булар куйидаги жадвалда акс этган (9-жадвалга қаранг).

9-жадвал

Тажриба-синов ишлари статистик таҳлили

| \bar{X} | \bar{Y} | S_x^2 | S_y^2 | C_x | C_y | $T_{x,y}$ | K | $X_{n,m}^2$ | Δ_x | Δ_y |
|-----------|-----------|---------|---------|-------|-------|-----------|-----|-------------|------------|------------|
| 3,24 | 4,16 | 0,7624 | 0,6744 | 1,68 | 1,23 | 13,14 | 508 | 121,14 | 0,11 | 0,10 |

9-жадвалга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълумки, $\bar{X} = 3,24$; $\bar{Y} = 4,16$; $\Delta_x = 0,11$; $\Delta_y = 0,10$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yob} = \frac{(\bar{Y} - \Delta_y)}{(\bar{X} + \Delta_x)} = \frac{4,16 - 0,10}{3,24 + 0,11} = \frac{4,06}{3,35} = 1,21 > 1;$$

$$K_{bob} = (\bar{Y} - \Delta_y) - (\bar{X} - \Delta_x) = (4,16 - 0,10) - (3,24 - 0,11) = 4,06 - 3,13 = 0,93 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезонининг бирдан катталиги билан ва билиш даражасини баҳолаш мезонини нолдан катталигини орқали кўриш мумкин. Маълумки, тажриба синфларидаги ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари назорат синфларидаги ўқувчиларнинг

Ўзлаштиришларидан юқори экан. Шунингдек, тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш, назорат гуруҳидагига нисбатан 18, 2 фоизга юқори эканлиги кўрсатилди. Демак, таълимнинг иккинчи босқичида билим олаётган бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари олиб борилган илмий тадқиқот доирасида бажарилганлиги билан характерланади.

Бошланғич синфларда замонавий ўқув техника воситалари, кўргазмали куруллар ва интерфаол ўйинлари асосида ўқувчиларни мустақил фикри, табиатга эътиборли бўлиши, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бўлган муносабатни ўзгаришига ва экологик билимларни ривожлантиришга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Анимацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш бўйича тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Анимацион ёндашув асосида экологик таълимни ривожлантиришга қаратилган электрон ва анимацион таълим ресурсларини ишлаб чиқиш орқали бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва имкониятларини аниқлаштириш назарий жиҳатдан асосланди.

2. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш катта тарбиявий имкониятга эга. Шунга мувофиқ ўқувчилар томонидан “Атрофимиздаги олам” ўқув фани бўйича ўзлаштирилган билимларини синфда ва синфдан ташқари шароитда экологик характерга эга маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш орқали ижобий натижаларга эришишимиз мумкин.

3. Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тушунчаларини ривожлантириш жараёнида педагогик (дидактик, методик ва диагностик) хусусиятларнинг такомиллаштирилиши, ўқувчилар интеллектуал фаолиятларининг онгли шаклланиши, улар тараққиётининг барқарор тарзда амалга ошишига имкон беради.

4. Тадқиқот доирасида яратилган модел анимацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантиришнинг назарий лойиҳасини ўзида акс эттирди. Бунинг учун тизимли, фаолиятга доир, когнитив ўқув, аксиологик ўқув мақсадлар: инновацион ва технологик ёндашувлар методологик асос сифатида қабул қилинди. Моделни амалга оширишнинг асосий босқичларида ўқувчиларнинг экологик онги, атроф-муҳит ва табиатга бўлган ижобий муносабатлари шаклланади.

5. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик билим ва кўникмаларни шакллантиришга оид тавсиялар ва ўқув-услубий кўрсатмалар асосида тайёрланган “Экологик алифбе” номли анимацион электрон қўлланмадан бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тушунчаларини ривожлантиришда, табиатни муҳофаза қилишга оид билимларини мустаҳкамлашда самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

6. Олиб борилган илмий-тадқиқот доирасида ўтказилган тажриба-синов ишларида бошланғич синф ўқувчиларига STEAM таълим технологияси орқали экологик таълим-тарбия бериш самарали эканлиги исботланди.

7. Анимацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тушунчаларини ривожлантириш жараёнида ахборот-рецептив, репродуктив усулларни интегратив мувофиқлаштириш ижобий натижа берган.

8. Атрофимиздаги олам фанини ўқитишнинг инновацион ва интегратив тамойилларини ўқув методик кўрсатма сифатида ўқув жараёнига тақдим этиш экологик тушунчаларни ривожлантиришга доир тавсиялардан фойдаланиш имкониятини беради.

Анимацион ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунчаларни ривожлантириш доирасида олиб борган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Бошланғич синфларда ўқитиладиган “Атрофимиздаги олам” ва “Табиатшунослик” ўқув фанларини ўқитиш жараёнида оммавий ахборот воситаларида қўлланилаётган экологик атамаларнинг мазмунини шарҳловчи лухатлар тайёрлаш .

2. Бошланғич синфларда ўтиладиган дарслар жараёнида экологик билимларни шакллантиришга доир методик ўйинлар ташкил этиш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича илмий изланишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ.

3. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини барқарорлаштириш йўлида ўқувчиларнинг экологик тушунчаларини ривожлантиришга оид турли альбомлар, буклетлар, кўргазмали воситаларни тайёрлаш ва улардан дарс жараёнида фойдаланишни кенгайтириш.

4. Ўқувчилар онгида экологик тушунчаларни ривожлантириш учун инсониятнинг табиатга таъсирини акс эттирувчи тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мультфильмларни таълим жараёнларида намоиш этиб бориш керак.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАМАНГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

СУЛАЙМОНОВА САОДАТ УСУБХОНОВНА

**ТЕХНОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПОНЯТИЙ У УЧАЩИХСЯ
НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ НА ОСНОВЕ АНИМАЦИОННОГО ПОДХОДА
(На примере преподавания предмета «Окружающий мир»)**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (педагогическим наукам)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ (PhD)**

Наманган – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.3.PhD/Ped1122.

Докторская диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.namdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Аскарва Угилой Мамашокировна.
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Камалов Баходир Асомович
доктор географических наук, профессор

Артикова Мухайё Батиралиевна
доктор педагогических наук (DSc), доцент

Ведущая организация:

Кокандский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится 10 марта 2022 года в 14.00 часов на заседании Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 при Наманганском государственном университете. (Адрес: 160107, город Наманган, ул. Уйчи, дом 316 тел: (+99869) 227-29-81; e-mail: info@namdu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрирована № 707). (Адрес: 160119, город Наманган, улица Уйчи, дом 316 тел. (+99869) 227-29-81

Автореферат диссертации разослан «26» февраля 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 14 от «26» февраля 2022 года)



Т.Файзуллаев
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.п.н. профессор

Ш.К.Хужамбердиева
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор философии
(PhD) по педагогическим наукам, доцент

К.М.Боймирзаев
председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней
д.г.н. (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном мире, где глобальные экологические проблемы и интеграционные процессы усугубляются, растет потребность в разработке социальных и индивидуальных экологических понятий еще в начальной школе. Обеспечение этических, аксиологических, концептуальных компонентов экологического образования выявлено как главная цель в Декларации Стокгольм и Рио-де-Жанейро по окружающей среде и развитию, в Резолюции Генеральной Ассамблеи ООН о «карте природы мира», в исследовательских областях международных организаций, а также в проектах и исследованиях, проводимых по линии ЮНЕСКО и ЮНЕП. Важно развивать экологическое сознание учащихся начальной школы, основываясь на теории и практике устойчивого развития, исходя из растущих потребностей к повышению качества экологического образования с самого начала.

В развитых странах мира особое внимание уделяется социальным и организационно-педагогическим условиям, научно-методическому обеспечению и информационно-образовательной среде, решению проблем экологического образования, направленных на формирование экологических представлений и мировоззрения младших школьников¹. Повышение экологической осведомленности и культуры учащихся начальной школы, правильное воспитание отношения к окружающей среде признано наиболее актуальной проблемой для будущего человечества. Переход к новым парадигмам экологических отношений требует не только новаторских и творческих подходов к формированию экологического сознания учащихся, но и совершенствования методологической и технологической базы, позволяющей обеспечить этот процесс.

Большое внимание в нашей республике уделяется развитию экологического образования как особого направления. Определение экологии как междисциплинарной области, формирование креативного мышления в образовательном процессе с начальной школы и применение анимационных подходов в образовательном процессе с правильным пониманием моральной ценности экологических знаний природы и современного их содержания является важным фактором в разработке экологических понятий.

В этой связи в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан «предотвращение экологических проблем, угрожающих окружающей среде, здоровью населения и генофонду» определяется как приоритетная задача. Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, поставленных Постановлением Правительства Республики Узбекистан УП-5863 от 30 октября 2019 года «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан на период до 2030 года», УП-5024 от 21 апреля 2017 г. «О совершенствовании системы государственного управления в

¹В.В. Шаранова, «Научно-методическая работа в школе как фактор повышения качества образования». <https://urok.1sept.ru/articles/>. – Москва. – 2012, -Стр.

